



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 229 (10.032)

2003 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БОЛГАРИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 ноябрь кунни давлат ташрифи билан Болгарияга жўнаб кетди.

— Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги алоқалар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ривожланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. Софияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. — Дўстона муносабатларимиз ҳалқларимиз бошига қийин кунлар тушганда, айниқса, яққол намойн бўлган. Хусусан, ўтган асрда Тошкентда содир бўлган зилзила оқибатларини тугатишда Болгария ҳам яқиндан ёрдам берган эди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ҳам ана шу дўстона ишонч руҳида тараққий этмоқда. Бир сўз билан айтганда, алоқаларимизни ривожлантиришда сиёсий жиҳатдан муаммо йўқ.

Бирок, бизни сўнгги пайтда иқтисодий алоқаларимиз анча сустрасла бошлагани ташвишга солаётди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга камайиб кетгани кузатилади. Ўзбекистонда ҳам, Болгарияда ҳам экспортбўл маҳсулотлар кўп. Аммо бу борада икки мамлакат ишбилармонлари етарли тасаввурга эга эмаслиги ва бозорни яхши ўрганишга жиддий эътибор бермаётгани иқтисодий алоқаларимизни кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, мазкур алоқаларни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш катта. Болгарияга ташрифимиз давомида Президент Георги Парванов ҳамда ҳукумат ва парламент раҳбарлари билан музокаралар ўтказиб, мазкур масалаларни атрофлича муҳокама этамиз, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим қидирамиз. Икки давлат ўртасида турли соҳада ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришни кўзда тутуви ҳақида яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Улар орасида солиқ, транспорт, божхона соҳаларига оид бир қанча муҳим ҳужжатлар бор.

Болгария коммуникация нуқтаи назаридан ҳам бизга яхши шерик бўла олади. Ташрифимиз давомида Бургас шаҳрида Болгария транспорт салоҳиятини тақдироти режалаштирилган. Унда мамлакатларимиз ўртасида коммуникация соҳасидаги алоқалар масаласи муҳокама этилади. Шунингдек, Ўзбекистон билан Болгария халқаро ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш истиқболлига эга.

Сўнгги йилларда Болгария Европа Иттифоқи ва Шимолий Атлантика интеграциялашув йўлида муҳим қадамлар ташлади. 2004 йили у Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига (ЕХТТ) расмий қилади. Яқинда эса НАТОга қабул қилинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Болгария ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири

София, 24 ноябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистонлик олий мартабали меҳмоннинг давлат ташрифи муносабати билан Болгария пойтахти аэропорти, кўча ва хўбонлари икки мамлакат байроқлари билан безатилади. София марказидаги

«Авлиё Александр Невский» майдонида фахрий қоровул саф тортиди.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Болгария Президенти Георги Парванов кириб келади. Икки мамлакатнинг давлат маҳфиялари янграйди. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтади.

Шу тариқа мамлакатимиз раҳбарининг Болгария Республикасида давлат ташрифи бошланди.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатидан олдин Ўзбекистон Президенти хайрли ишга қўл урди — Номаълум аскар қабрига гул қўйиб, Болгариянинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарларининг мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар ҳамкорлигининг ҳозирги босқичи сиёсий жабҳада жадал ривожланаётганини, лекин савдо-иқтисодий алоқалар борасида қониксариз эканлигини таъкидлаб, ишбилармон доиралар вакиллари учун кенг имкониятлар яратиб беришга оид масалани муҳокама қилди. Савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматлари раҳбарларининг ташрифи арафасида ўтган сессияси якунларини қўриб чиқди.

Суҳбат чоғида транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида эътибор берилди.

Халқаро миқёсдаги муаммолар орасидан террорчилик ва экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг қайриқонуний савдоси президентларнинг диққат-марказида бўлди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон-Болгария муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий йўналишларда кенгайтиришга доир талай масалалар муҳокама қилинди. Бунда, айниқса, иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратилади экан, товарлар ва хизматларнинг нархи ёки икки мамлакат ўртасидаги масофанинг нисбатан узоклиги эмас, кўпроқ ҳуқуқий асоснинг етарли даражада такомиллаштирилмагани асосий тўсиқ бўлаётгани қайд қилинди.

Музокарада эришилган натижалар ҳақида унинг якунида имзоланган ҳужжатлар тўлиқ тасаввур беради. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида Даромад ва мулкка ёки томонлама солиқ солишдан қочиб тўғрисидаги битим, Ветеринар-санитария конвенцияси, Темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро алмашлаб юк ташиш тўғрисидаги битим, Ноконуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Анқуманда томонлар музокарадан тўла қониқиб ҳосил қилгани таъкидланди.

Оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти шарофига Болгария Республикаси Президенти номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болгарияга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари,

Сизни Америка халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан муборакбод этаман.

Бутун жаҳон мусулмонлари учун муҳим бўлган ушбу айёмда биз Ўзбекистон фуқароларига энг эзгу ниятларимизни йўллаймиз.

Рамазон бошланиши муносабати билан ёзган мактубингизда, Сиз келгуси йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши барча соҳалар бўйича кенг миқёс касб этишига умид қилишингизни билдирган эдингиз. Мен ҳам шундай умиддаман.

Самимият ила,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху!

Қутлуғ Йўл ал-Фитр кириб келиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман.

Мусулмон халқлар аввалгидан кўпроқ бир-бирларига яқинлашиши билан уларнинг кун сайин раванг топиши ва иззат-иқромларининг ортиши учун имкониятлар яратилади ҳамда дўстлик ва биродарлик ришталари янада мустаҳкамланиб боради, дея умид қиламан.

Худованди қаримдан Ўзбекистон халқига муваффақиятлар, юксалиш ва тараққиёт тилаб қоламан.

Саййид Мухаммад ҲОТМАЙ,
Эрон Ислам Республикаси
Президенти

ёзуви ва адабиёти бешиги номини муҳрлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқ аъёналари хусусиятлари болгарларнинг замонавий маданияти ва турмуш тарзида ўз аксини топди. Уларнинг руҳини миллий меъморчилик, амалий санъат, мусиқа асарлари намуналарида, оилавий ва умумхалқ байрамларида ҳис этиш мумкин.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Конституцияси кунни арафасида Халқаро «Эко-сан» экология ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни ҳаётга таътиб этишда жамоатчиликнинг роли» мавзусида туркум учрашувлар ўтказилмоқда.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йилги фермер ҳўжаликларини ривожлантириш ишларини изчил амалга ошириш масалаларига бағишланди.

● Фарғона вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида «Давлат рамзлари — миллий қадриятларимиз» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Андижон Давлат педагогика институтида Франция тарихи ва маданиятига бағишланган икки кунлик семинар ташкил этилди.

● Қарши шаҳридаги «Чори-С» хусусий фирмаси ташаббуси билан шаҳар четидagi 4 гектарлик ташландик ер ўзлаштирилиб, «Осиё савдо» мажмуаси бунёд этилди.

● Фарғона шаҳрида болалар ва ўсмирлар бадий гимнастика спорт мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе истефода чиққанлигини маълум қилди. Ушбу мамлакат Конституциясининг 74-моддасига биноан парламент спикери Нино Буржанадзе муддатидан илгари Грузия Президентлигига сайлов бўлиб ўтганича 45 кун давомида Президентлик мажбуриятларини бажариб туради.

● АҚШ билан Япония ҳамкорлида баллистик ракета ларни зарарсизлантирувчи қурилмаларнинг янги авлодини яратишга киришди. Ушбу режа Япония ҳукумати ташаббуси билан ишлаб чиқилган бўлиб, ишланадиган қурилма келгусида четга экспорт қилинади.

● Бағдоддан 60 чакирим узокликдаги Бакуда шаҳрида жойлашган полиция маҳкамаси ёнида катта микдордаги портлатиш мосламалари жойлаштирилган юк машинаси портлаб кетди. Шунингдек, Хан-Бани-Саад шаҳридаги одамлар билан гажум бозор ёнида террорчи қамикадзе ҳам портлаш содир қилди. Икки фожиа оқибатида 15 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 нафарга яқин одам yaralandi.

● Москвадаги Патрис Лумумба номи Халқлар дўстлиги университети ётоқхонасида қучли ёнғин содир бўлди. Ёнғин натижасида 32 киши ҳаётдан кўз юмди.

Ўзбекистон - Болгария:

ЗАМОН ЖИПСЛАГАН ҲАМКОРЛИК

Болгарияни ёдга олар эканлики мамлакатнинг бой тарихий обидалари, халқаро жозибадор дам олиш масканлари ва ажойиб ҳавосини эслайди. Европанинг бешта давлати билан чегарадош Болгария Европа ва Осиё ўртасида ўзига хос жанубий кўприк вазифасини ўтайди. Фожевий воқеаларга тарихи тўла бўлган бу мамлакат

юксалиш ва таназзул, жабрулм ва озодлик босқичларини ўз бошидан кечирди. Шунга қарамадан, қачонлардир аجدодлари Болкон ярим оролига келган ва ўзларининг асл насабларини Марказий Осиё билан боғлаган болгарлар инсоният цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Улар томонидан яратилган меъмо-

рий ёдгорликлар, маънавий мерос дунё маданияти хазинасидан муносиб жой олди. Айниқса, болгарларнинг IX асрда славян алифбосини ихтиро этишдаги хизматлари беназирдир. Бу воқеа ушбу минтақада яшовчи барча халқлар ҳаётида катта аҳамият касб этиб, Болгарияга славян

Иқтисодий

ИНСОН
САЛОМАТЛИГИ
ЙЎЛИДА

Шаҳримиздаги «Сорб-тех» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти маҳсулотларига нафақат юртимизда, балки кўшни Россия ва Қозғоғистон, Туркия давлатларидан ҳам буюртмаларнинг борлиги корхона муваффақиятларидан яққол дарак беради.

Жамоа тadbиркорларининг изланишлари боис қисқа давр мобайнида маҳсулотлар тури 20 хилдан ҳам ортиб кетди. Булар орасида «Бахтисм» дори воситасидан тортиб атроф-муҳит ва табиий ресурсларимиз зарарланишининг олдини олишда кўл келадиган маҳсулотларга ҳам бор. Турли хил сорбентлар ана шулар жумласидандир.

Айни кунларда эса корхона аҳли инсон саломатлиги учун зарур бўлган янги дори воситаларини яратиш йўлида астойдил изланмоқда. Улар бу борада «Саломатлик — туман бойлик» деган нақла амал қилишди.

СЎЗАНАДА МЕХР
МУЖАССАМ

Миллий қадриятларимиз ва шарқона урф-одатларимизни эъзозлашда ва ўзбек хунармандларининг доврғини дунёга таратишда тadbиркорлик билан иш юритаётган, маҳсулотларига она юрта меҳрларини ҳам қўшиб жило бераётган каштачи чеварларнинг ҳам хиссаси каттадир.

Хусусий тadbиркор Муборак Бозорова 3 йилдан буюн момоларимиз хунарини эъзозлаб, уни ёшларга ҳам ўргатиб келмоқда. Уста ва шогирдлари тайёрлаган миллий сўзана ва бошқа маҳсулотлар Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Туркия ва бошқа давлатлардан келган сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Шу кунгача каштачилар томонидан 550 дан зиёд маҳсулот турлари тайёрланди.

— Асосий мақсадимиз ёшларимизда миллий қадриятларимизга меҳр уйғотиш билан бирга, ўзбек каштачилиги жиоларини дунёда янада эъзозланишига эришишдир, — дейди Муборак Бозорова. — Энг асосийси эса ёш қизларимиз бу ишга сидқиқилдан ёндошгангадир.

Дилноза ҒИЁСОВА

ДЕМОКРАТИЯ МАҚТАБИ

Дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида маҳаллий доирадаги барча ишлар сайлов асосида шакллантирилган ёхуд маҳаллий бошқарув органи сифатида марказдан махсус тайинланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Европа Кенгаши томонидан 1985 йилнинг 15 октябрида тасдиқланган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш буйича Европа хартияси»да деярли барча демократик давлатларда ялпи равишда қабул қилинган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими тўғрисида умумий тушулча берилди. Хартияда қайд этилганидек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш — маҳаллий ҳамжамиятларнинг жамоат ишларидан муайян қисмини қонун доирасида ва ўз масъулияти остида ҳамда аҳоли манфаатлари йўлида бошқариш, назорат қилиш буйича ҳуқуқ ва лаёқат, демокдир.

Мустиқлик йилларида мамлакатимизда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими шаклланиши ва изчил равишда топшишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда, аввало, Ўзбекистон Президентини кўп бор таъқидлаганидек, фуқароларнинг ўз турмуши ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этиш борадаги фуқаролик жамияти тамойилларига тўлиқ мос келувчи фаол иштироки учун зарур шарт-шароитларни яратиш, гарб халқлари учун нотаниш, аммо миллий табиатимизга мос бўлган ўзини ўзи бошқарув усули — маҳалла ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш мамлакатимиз сиёсий ва давлат қурилишининг асосий хусусиятларидан бири сифатида белгилангани эътиборга сазовордир.

Бошқача айтганда, Истиқлол туфайли демократия дархонаси — маҳаллалар том маънода Ўйғониш даврига қадам қўйди. Юрбошимизнинг таъбибу ва бевосита раҳбарлиги асосида маҳаллалар жамиятимиз ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топди. Зотан, маҳалла — бизнинг ўзлгимизга, ҳаёт тарзимизга хос бўлган миллий демократик институтдир.

Ўзбекистонни маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди. Маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асоси саналди. Бундай жамиятни шакллантириш билан боғлиқ сано-харақатларимизда ушбу тизимнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораверади. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган ғоясини рўёбга чиқаришда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли бениҳоятдир.

Шуру замонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида бирорта қонун бўлмаган. Маҳалла — совет тузумига ёт институт эди. Маҳалла фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга доир ягона ҳужжат — Маҳалла қўмитаси тўғрисидаги Низом бўлиб, у 1961 йилда республика олий қонун чиқарувчи идораси томонидан қабул қилинган.

Мустиқлик шарофати ўларок, маҳалла ўзининг реал ҳуқуқий мақомини олди. Эндликда миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи марта маҳалла конституциявий институт мақомига эга бўлди. Бу мақом Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустақамлаб қўйилди.

Асосий Қонунга кўра давлат органи билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари асосий равишда бир-биридан ажратилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш, уларнинг вазифаси, ваколатлари қонун билан белгиланиши кўрсатилди. Кейинчалик ушбу конститу-

циявий қоидалар янада ривожлантирилди.

Ўз навбатида, 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу Ўзбекистон тарихида маҳаллаларга бағишланган биринчи қонундир. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, уларнинг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғини ва раисининг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабати асослари белгилан берилди. Ушбу қонун юртимиз маҳаллалари тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Маҳалла ҳақида 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига ҳам алоҳида модда киритилган бўлиб, (78-модда), унда қайд этилганидек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий му-

ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади. Фуқаролар йиғини ўзининг органларига эга. Улар сирасига фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари буйича комиссиялар, тафтиш комиссияси шунингдек, айрим ўринларда маъмурий комиссиялар қиради. Гап шундаки, илгари бу кенгаши ва комиссияларнинг барчаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб юритиларди. Эндликда эса бундай мақом фақат фуқаролар йиғинига хос саналди.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосини муқаммаллаштиришга қаратилган ана шу янгиликларнинг барчаси йил бошида Вазиirlар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Обод маҳалла йили» дастурида қўзда тутилган. Айни чоғда фуқаролар йиғини, шунингдек, тафтиш ва маъмурий комиссиялар тўғрисидаги Низомлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосини шакллантириш ва тақомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 10 та Фармони, Вазиirlар Маҳкамасининг 8 та қарори, 11 та намунавий низом, бир қатор дастурлар, йўриқномалар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

хамда амалда таътиб этилаётганини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Ўйлаيمизки, шунда ҳам борадаги ишларини нечоғли кенг қўлам касб этгани янада аққорлор намоён бўлади.

Бугунги кундаги долларб масала — маҳалла оқсоқоллари сайловларини ўтказишининг қандай ҳуқуқий асослари бор?

Аввало, Конституциянинг 105-моддаси ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси бу борада асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар йиғинларининг ваколат мuddати белгиланган бўлиб, у 2,5 йилдир.

Бундан ташқари сайловни ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтказиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида Низом ҳамда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш буйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва жойларга тарқатилди. Бу иккала ҳужжатда Конституция ва қонунда белгиланган қоидалар шарҳланган ва барча ташкилий муаммоларни ҳал этишга қаратилган янги кўрсатмалар берилган.

Хулоса ўрнида Обод маҳалла йилининг авж нуқтасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловлар мамлакатимиз ҳаётидаги ниятда катта сиёсий воқеа эканини таъкидлашни истардим. Зеро, амалиётда энг кенг қўламчи ҳисобланган бу сайловлар бутун Ўзбекистон аҳолисининг бугунги ва эртанги куни билан боғлиқ масалаларни мукоҳама қилади ҳамда истиқболни белгилан беради.

Ишончимиз қомилки, ушбу сайловлар мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Демократик институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари
қўмитаси раиси

МАҲАЛЛА — ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ АСОСИ

носабатларнинг қатнашчиларидир».

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари», «Ўй-жой мулкдорларининг ширкатлари», «Фуқароларнинг мурожаатлари» тўғрисидаги қонунларда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қоидалар мавжуд.

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб ушбу қонун ҳужжатлари мунтазам равишда тақомиллаштириб бориляпти. Хусусан, 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрири тасдиқланди.

Маҳалла нуфузини кўтариш, фуқаролик жамиятининг устувор асоси бўлган ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий масала экани боис, унинг ҳуқуқий тизимини мустақамлаш Президентимиз ва мамлакат парламентининг доимий эътиборида. Олий Мажлисининг янги бўлиб ўтган XII сессиясида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахриридаги қарийб 10 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани бу фикримизга далил бўла олади.

Муҳим ўзгаришлардан бири — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомининг янада аниқлаштирилганиги диққатни торттиш шубҳасиз. Яъни, Қонуннинг 7-моддаси Конституциянинг 105-моддасига мослаштирилди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси қуйидагича конкретлаштирилди: «Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларнинг йиғинлари (бундан буюн матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир».

Худди шу модданинг 2-бандида белгиланганидек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз

муносабатларини ўрнатишнинг асосий омилларидан бири - бир-бирини халқаро муносабатларнинг мустиқ субъекти сифатида эътироф этишдир. Дарҳақиқат, Болгария Ўзбекистонни 1992 йилнинг 6 январида эътироф этди. Шу йилнинг сентябрь ойида икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил июни ойидаги Болгарияга ва Болгария Республикаси Президенти П.Стояновнинг 1999 йил май ойидаги Ўзбекистонга расмий таширифлари икки томонлама муносабатларнинг мустақам пойдеворини яратди ва икки мамлакат ҳамкорлигини янада юқори поғонага кўтарди. Ушбу таширифлар чоғида давлатлар ўртасида муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Парламентларо ва идораларо алоқаларнинг амалга оширилиши сиёсий мулоқотнинг ҳаётга воқеий таътиб этилиши бўлди. Хусусан, икки мамлакат парламент делегациялари ва таъши сиёсат маҳкамалари раҳбарлари ўртасида таширифлар алмашинди.

Жорий йилнинг октябрь ойида Софийда таъши ишлар вазирилари ўртасида бўлиб ўтган сиёсий маслаҳатлашувларнинг 1 - раунди икки томонлама муносабатларда муҳим

воқеа сифатида эътироф этилди.

Ҳамкорликнинг эътиборга молик ижобий жиҳатларидан бири БМТ ва ЕОҲТ каби халқаро ташкилотлар фаолияти доирасидаги алоқаларнинг фаоллашувидир. Ушбу ташкилотлар органларида томонлар кўтарилган ташаббуслар ўзаро қўллаб-қувватланаяпти.

Иқтисодиёт, савдо-сотик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларидаги муносабатлар ҳам ривож топмоқда.

Хозир Ўзбекистонда болгар сармоялари иштирокатида 27 та корхона фаолият кўрсатаяпти. Улардан тўртта сиёсий йўналишда болгариялик тadbиркорлар томонидан ташкил этилган.

Халқаро амалиётдан маълумки, одатда олий даражадаги уршбулар давлатларо муносабатларни қамраб олган кенг қўламли масалаларни ҳал этишга қаратилди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Болгария Республикасида давлат таширифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенгайиши ва янада ривож топишига қўшимча куч беради.

Бахтиёр ИРИСОВ,
Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчилари

Ўзбекистон- Болгария:
ЗАМОН ЖИПСЛАГАН ҲАМКОРЛИК

Давоми. Боши 1-бетда.

Бир неча ўн йил давомида иқтисодиётни маъмурий буйруқбозлик асосида режалаштириш билан сугорилган яқка партиявий сиёсий диктатура ҳўм сурган Болгария бугунги кунда тараққиётнинг демократик йўли ва бозор иқтисодиёти сари тўқ бўрилши ясаб, собит қадам қўймоқда. Айни пайтда сиёсий ва иқтисодий ҳаётда бошланган катта ўзгаришлар республикани ягона Европа иқтисодий макони шароитида яшаб, фаолият олиб боришга мослаштиришга қаратилгандир.

Лекин унинг халқаро ва минтақавий интеграциялашуви вужудга келаятган муаммоларни ҳал этишда ғайри одатий мавқеларни талаб этаётган ўтиш даври ҳамда тез ўсиб бораётган глобаллашувнинг қийин шароитида кечмоқда. Хозирги Европа иттифоқи аъзолари билан ялпи ички маҳсулот даражаси буйича аҳоли жон боши, ишлаб чиқариш, товарларнинг рақобатбардорлиги ва даромадлар ўртасидаги тафовут қандай бўлишидан қатъи назар, Болгария

Европа иттифоқида кириш тўғрисида ўз ниятини билдирди. Бу эса ўз навбатида ЕИГА номзод мамлакат — Болгария тайёргарлик босқичи жараёнида макроиктисодиёт, бюджет, пул-кредит, валюта сиёсатини ЕИДАги тенденция ва талабларга мослаштириш лозим. Экспертларнинг баҳоларига кўра, ЕИ шартларини номзод мамлакатлар томонидан ижро этиш таҳлили Болгариянинг ушбу масалаларни ҳал этишда муваффақиятларга эришганини кўрсатади.

Шу билан бирга НАТОнинг Аъзоликка тайёрлаш бўлими иш режаси иштирокчиси сифатида мамлакат Альянсининг ўтган йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Прага уршулувида Шимолий Атлантика иттифоқи аъзолигига кириш тўғрисидаги музокара-ларни бошлашга тақлиф этилди.

Буларнинг ҳаммаси Болгариянинг яқин келажакда Европа ҳамжамиятининг муҳим аъзоларидан бири бўлишидан далолат беради. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустақамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатлар ўртасида дипломатик

МЕХР-САХОВАТ ВА ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

Кеча бутун республикаимизда миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган, кўнгиллар кўтарилиб, мухтожларга саховат нурлари ёғиладиган улуг кун — Рамазон ҳайити айёми ёшу қари томонидан кенг нишонланди. Шукроналик, покланиш, меҳр-оқибат, ногиронлар йўқлиги, кўмакка мухтожларга саховат кўрсатиладиган ушбу байрамнинг шукухи ўзгача бўлди. Улуг айём кўнларида меҳр-мухаббатга ташна бўлган меҳрибонлик уйлариининг барчасида таълим-тарбия олаётган болажонлар ҳам саховатли, савоб ишга бел боғлаган инсонлар томонидан катта байрам совғалари билан йўқланди. Давлатимиз ғамхўрлиги, меҳрибон тарбиячилар қўлида таълим олаётган болажонларга шахар ва туман ҳокимликлари, ҳомий ташкилотлар томонидан ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилиб, энг замонавий компьютерлар, рангли телевизор, ўқув куроллари, кийим-бошлар совға қилинди.



СОБИР РАХИМОВ ТУМАНИ — 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган 134 нафар кичкинтойни бағрига олган ушбу гушани айланиб, болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Ётоқхона, дарс тайёрлаш хоналари, кутубхона, жисмоний тарбия, мусика, тиббиёт хоналари ва ошхона тартибли, озода. Болажонларнинг яхши дам, таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— 28 йилдан бери шу даргоҳда тарбиячи бўлиб ишлайман, — деди ўзини Машкура Исҳоқова деб таништирган опaxonимиз. — Болажонларнинг юзидига, кўзидига қувонч ва шодлиқни кўришнинг ўзи катта бахт. Уларга кўрсатилаётган ҳар бир эътибор кўнгилни тоғдек кўтарди. Қаранг, ақлда, одобда, тарбияда улар ҳеч кимдан кам эмас, фақат ширинсўзлик, меҳр-мухаббат кўрсатиш лозим ҳолос. Сахий, саховатпеша инсонларнинг ҳамиша ҳаётда омадлари қулсин, раҳмат уларга.

— Бу йилги ҳайит айёми болажонларимизнинг узоқ вақт ёдларидан чиқмаса керак, — дейди биз билан суҳбатда 24-меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисова. — Чунки шахар ва туман ҳокимлиги томонидан 1,5 миллион сўмлик кийим-кечак, ҳомий ташкилотлар, савобталаб тадбиркорлар томонидан жуда катта ёрдам кўрсатилди. Туманимизда жойлашган банк коллежи 4 та компьютерни совға қилган бўлса, «Аския» бозори томонидан катта байрам дастурхони безатилди. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчи ва талабалари болажонларимизга инглиз, араб, япон ва турк тилларидан сабоқ бермоқдалар. Шу куни меҳрибонлик уйи-

га келган ҳар бир кишининг кўнгли кўтарилгани аниқ. Нега деганда байрамда иштирок этаётган барча 134 нафар боланинг улуг айём кунинида оҳорлик кийим кийгани, она-Ватан, ота-она, дўстлик, қардошлиқ, тинчлик-тотувлик ҳақидаги улар ижросида янграган шеър-қўшиқлар, меҳрибонлик уйининг «Хумо» қўшиқ ва рақс дастасининг чиқишлари киши кўнглига ажиб бир ийлиқлик бағишлади. Миллий урф-одат, анъаналаримизга хос бўлган ушбу сахийлик, бағрикенглик, меҳрибонлик удумларининг ҳеч қачон йўқолмаслигини астойдил тилагимиз келади.

Байрам кечгача давом этди. Куй-қўшиқ, ашула эса рақсга уланди. Миттигина юракларнинг дил сўзлари эса сизни шу даргоҳдан узилмасликка қақираётгандек.

Шаҳзода ХАЙДАРОВА, 10 ёш:

— Ҳайит байрамини мен ёш-ликдан яхши кўраман. Мактабимиздаги бошқа болаларга ҳавас қилар эдик, мана бизга ҳам формалар, сумкалар, оёқ кийимларини совға қилишди. Ўртоқларим билан рўса хурсандиким. Биз ҳаммамиз фақат яхши ўқиб, келгусида олим ва зейиллар бўлишга аҳд қилганмиз.

24-меҳрибонлик уйидаги байрам тадбирининг яна бир эътиборли томони шунда бўлдики, «Истиқбол» маҳалласининг келинчақлари Муниса Саидқирмова, Зулфия Тожиқуллова, Феруза Раҳматовалар миллий, шарқона либосларда, ҳарир пардалар остида, нафосат одоб билан салом қилиб, келган меҳмон музолиқларни кутиб олдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Меҳр-оқибат, тотувлик ҳукм сураётган муқаддас Рамазон ҳайити оилаларимизга қут-барака, соғлиқ-омонлик келтиришини тилаб қоламиз. Юртимиз бўйлаб саховатпеша инсонлар қатори кенгайверсин. Бир-биримизга дилимиздан ёрдам беришдан чарчамайлик.

Донишманд халқимизнинг «Ўзгалар сенга қилган яхшиликни ҳар доим ёдингда тут, ўзгаларга қилган яхшиликни эса пеш қилмай унут», деган нақлига амал қилган ҳолда қутлуг Рамазон кўнлари моддий ва маънавий эътиборга мухтожларга саховат кўрсатган олижаноб инсонларни, қорхона ва ташкилотларни номма-ном келтирмадик. Бундай инсонларга қарияларимиз дуоси билан тоғларимизнинг баракасини берсин, яхши ниятларга фойдаси тегсин, деб тилак билдирамиз.

КЕЛИН-КУЁВЛАР ЗИЁРАТГА БОРИШДИ

Ўтган йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида му-брак Ҳайит байрамида бесамар сарф-харажатлар қилинмасдан, бунинг ўрнига янги турмуш қурган келин-куёвлар учун миллий ўз-лигини англаш, тарихимиз билан яқиндан танишишлари, бир сўз билан айтганда маънавиятини юксалтириш мақсадида муқаддас қадим-жоларга зиёратлар уюштирилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг

Тошкент шаҳар бўлими таъбибоси билан кеча Рамазон ҳайити байрами кунини пойтахтда 300 нафарга яқин келин-куёвлар ўзининг тарихий ва меъморий аҳамияти билан машҳур Самарқанднинг тарихий обидалари, осори-атикаларини томоша қилиб, Занги ота макбарасини зиёрат қилиб қайтдилар. Энг муҳими ушбу тадбир ҳаётларимизга маъқул тушаётгани маълум бўлди. Ўтган йили сафарга 50 нафар келин-куёвлар борган бўлсалар, бу йил уларнинг сони 6 баробарга ошди.

МЕХР-МУРУВВАТ, ҚАДР-ҚИММАТ, БАҒРИ-КЕНГЛИК, саховатпешалик... Қадриятларимиз ёрқин ифодасини топаётган шу қутлуг айём кўнлари тилимизда ва дилимизда ёлғиз, етим, ногирон, мухтож сўзларини такрор ва такрор қайтариб, ўз-ўзимизга эслатиб туришдан истисно бўла олмаймиз.

Кимнингдир ноҳўя ҳаракати, кимнингдир гуноҳи боис бундай огир номни кўтариб юришга мажбур бўлган каттаими ёки кичик инсонлар ён-атрофимизда яшар экан, уларнинг кўнглини кўтариш, ёрдам кўрсатиш, саховатли бўлиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Барчамизга маълум, халқимиз бошига қандай мусибатлар тушмасин, мушкул дамларни кечирмасин, урушми ёки очарчилик бўлганда ҳам ҳеч қачон ҳеч кимни ёлғизла-тиб қўймаган. Олижаноб хислат — кўзи тўқ бўлгани боис ҳам халқимизнинг юзлаб ўзга миллат фарзандларини ўз оиласи бағрига олиб, бир бурда нони бўлишиб ҳаёт кечирган вақтлари ҳам бўлган.

Минг афсуслар бўлсинки, бундай муқаддас қадриятларимиз бир пайтлар унутила бошлаганди. Бу ҳақда кўп гапиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлаймиз. Яратганга шукрлар бўлсинки, эндиликда, мустақиллигимиз шарофати билан, Юртбошимиз раҳнамоллигида халқимизга эзгулик қайфияти қайтди ва бугунги кунда азалий қадриятларимиз тикланиб, амалда акс этаётганининг гувоҳимиз. Ўзгалар дарди-да қардаш, мухтожларга сунанчи бўлиш одатларимиз ҳаётимиз мезонига айланди.

Кеча музбрак Рамазон ҳайити муносаба-ти билан тоғларимиздаги барча мактаб-интернатлар, нурунийлар ва меҳрибонлик уйлари, ёлғизлар ва кам таъминланган оилаларда куй-қўшиқлар янграб, саховатли инсонлар билан гавжум бўлди.

Бундан 60 йил илгари ўз фаолиятини бошлаган Чилонзор туманидаги Хлебущкина но-мидида 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчи-ларининг хотирасида кечати кун узоқ қолиши шубҳасиз.

— Бу ерга мен икки йил илгари 23-меҳри-бонлик уйдан келганман, — дейди Олеся. — Меҳрибонлик уйининг шароитлари жуда яхши, энг муҳими самимий муносабат сезилиб ту-ради. Мен тез орада болалар билан чиқишиб кетдим ва ҳозирда ҳар биримиз ака-ука, опа-сингил бўлиб тутинганмиз... Менинг қариндош-ларим бор, улар Россияга кўчиб кетган. Онам эса... Шундай бўлса ҳам, аини пайтда меҳ-

рибонлик уйини оиламдан афзал кўраман. Бу ерда менинг опа-укаларим, меҳрибон тарбиячиларим бор. Компьютер, тикиш, тўқиш, рақс, қўшиқ каби турли тўғараклар-га қатнашаман. Миллий таомларни пиши-ришни ҳам биламан. Қани энди ширинлик-ларни тайёрлашни ўрганиб олсам, лекин бундай тўғарак йўқда... Яқин дугонам Зами-ра билан ҳайитда «келин салом»ни кўриш-ни ният қилгандик, бу ҳақда ҳеч кимга айт-магандик ҳам. Қарангки, бугун қўшни ма-ҳаллага келин бўлган гўзал Азиза кенной-миз бизнинг уйимизга келиб, ҳаммамизга салом қилдилар. Худди ўз уйларидек, пиё-лада чой узатиб, келин ҳайити дастурхона-даги ширинликлар билан меҳмон қилдилар. Биз учун қутилмаганда қувончли бўлди бу кун... Ҳозирдан мен математика ва инфор-матика фанларини яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилияман. Келгусида бухгалтер бўлиш орауим бор.

— Бугун бувам ва бувижоним мендан ха-бар олгани келишади, уларни жудаям со-ғиндим, — деди Фарида. — Ҳар сафар улар келишганда мени олиб кетамиз дейишади. Лекин боргим йўқ. Акам, опам ҳам меҳри-бонлик уйида тарбияланишган. Отам бизни ёш-лигимизда ташлаб кетган. Онам оналик ҳукуқидан маҳрум қилинган... Келажақдаги орузим шифокор бўлиш. Келгуси йилда Охунбоев номидаги коллежга ўқишга ки-раман, кейин — тиббиёт институтига. Бола-лар ҳар доим соғлом бўлишини истайман, лекин менга ўхшаб қалблари меҳр хаста-лигига чалинганларни доволдай олишга куч-чим етармикан, билмадим... Шунини яхши би-ламанки, қандай вазиятга тушиб қолмай, яқинларим қилган хатоларни қайтармайман.

Меҳрга ташна мурғак қалблар... Улар би-лан суҳбатлашар эканмиз, ёш бўлишига қарамасдан уларда теран фикр, мустаҳ-кам ирода, ҳар бир нарсасига зийрак ва ман-тикий муносабат билдириш қобилиятлари шаклланиб бизни ҳайратга солди. Бугун-ги кунда қандай шароитда тарбия қўраёт-ганидан қатъи назар, улар келажақда ўз Ва-танининг муносиб фарзандлари бўлиб ети-шига ишонч ҳосил қилдик.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: байрам тадбирларидан лавҳалар

Тоҳир Нигматуллин ва Алексей Попов олган суратлар.

Ўйлаймизки мазкур хайрли ташаббус келин ҳайити маросимини ўтказишда дуч келинади-ган турли таъбишлар, ортиқча сарф-харажатлар, баъзида ажримга сабаб бўладиغان ортиқча гап-сўзларни бартараф этишга ёрдам бериб, кела-жақда фарзанд тарбиялайдиган ота-онанинг маъ-навиятини оширишга озгина бўлса-да, ҳисса қўшади.

Шаҳноза КУДРАТХУҲАЕВА
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизматининг етакчи
мутахассиси.

Наргиза
ВАЛИЕВА



Биласизми?**ДАЙДИ ЎҚҚА ҚАРШИ**

Бельгиянинг Антверпен шаҳри. Ирсият соҳида қатор тадқиқотлар олиб бораётган олим Рожер Мэтит бир қанча тажрибалари бесамар кетмаганидан боши осмонга етди. Нима учун?

— Оғирроқ аёллар! Мен ихтиро қилган янги, ажойиб малҳамни ичингиз, шунда фарзандларингиз ўқ ўтмас бўлиб туғилдилар! — Олимнинг ана шундай кутилмаган даъвати кўпчиликни ҳайратга солди.

— Минглаб одамлар ва ҳаттоки гўдаклар кўнига ўқотар қуролдан ҳалок бўлишади, — дейди олим. Кўп йиллик изланишларга қарамай биз уни ер юзидан йўқота олмадик. Шунда фақат сўнги чора-ўқ ўтказмайдиган одамлар иркини яратишга қарор қилдик. Тадқиқотлар учун умримнинг 15 йили сарф бўлди. Аввалига олим кўёнлар, сигир, кейинчалик кўйларда ўз тажрибасини қўллади.

Доктор Мэтит бўлажак оналар танасига ўзи ихтиро қилган дориларни юбаради. Дорининг номланиши ҳам жуда антика — «Дерма-Ферма» ёки ДФ-кимёвий модда. Юборилган дори ҳамиша ирсият билан қўшилиб, қаттиқ, лекин эластик тери ҳосил қилади. Албатта олим ДФнинг афзаллигини инсонда эмас, балки жониворларда, аниқроғи буқани милтиқда отиб, намоийш этди. Теккан кучли ўқнинг зарбидан ҳайвон йиқилди, аммо у тезда ўрнидан турди, ўқ ҳам осонликча теридан олиб ташланди. Бироқ бошқа олимлар ДФнинг қўлланилишини қатъиян ман этмокдалар.

Ҳозирда Мэтит дорини Бельгияда, кейинчалик АҚШда сотилишини ўзламокда. Тибиётимиз уйғонгунча бегуноҳ одамларнинг яна қанчадан-қанчаси «дайди ўқ»нинг зарбидан ҳалок бўлиши керак дея куйинмокда олим.

**ГОРИЛЛАЛАР
ҲАМ ТЕЛЕВИЗОР
КЎРИШНИ
ЁҚТИРИШАДИ**

Нью-Йорк ҳайвонот боғидаги маймунлар кейинги вақтда кўп тўполон қиладиган бўлиб қолди. Ҳайвонот боғи бошликлари

ўйлаб-ўйлаб гориллалар ҳайвонот боғида қанча телевизор ўрнатилди. Аввалига маймунлар кўрсатувларнинг фарқида бормай барчасини кўраверишган бўлиши, эндиликда фақат бадий фильмларни ва айниқса, ҳайвонлар ҳақидаги кўрсатувларни мириқиб томоша қилишмокда.

**«КАМОЛОТ»
ТАШАББУСИ БИЛАН**

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида пойтахт маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари ўртасида оммавий спорт турлари бўйича мусобақаларнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақаларда маҳаллаларда фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашда профилакти-

ка инспекторларига яқиндан ёрдам кўрсатаётган, ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турувчи тарбияси оғир вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларнинг тўғри йўлга киришига ўз хиссаларини қўшаётган 29 ёшгача бўлган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари ўзаро куч синашишди.

Икки кун давомида бўлиб ўтган турнирнинг иккинчи куни Тошкент шаҳридаги ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турувчи тарбияси оғир вояга етмаганлар ўртасида ҳам спорт мусобақалари ўтказилди. Ҳар иккала мусобақада оммавий спортнинг ҳалқага тўп тушириш, арқон тортиш, гантел кўтариш, нишонга олиб тушириш,


50 метр масофага югуриш, қўлда ётиб-туриш, арқонда кўтарилиш, турникка осилиш, қўл кучини синаш

каби 9 та тури бўйича иштирокчилар ўзаро беллашдилар.

Оммавий спорт тадбирининг асосий мақсадларидан бири, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сафига спорт турлари билан шугулланадиган, ирода-

си кучли, бақувват ёшларни жалб қилиш ва ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турувчи тарбияси оғир вояга етмаганларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, тарбиялаш ва тўғри йўлга кириши учун имконият яратиб бериш, уларга нисбатан назорат ва тарбиявий-профилактик ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Мусобақалар жуда қизгин



тортишувларга бой бўлди. Турнир ғолиблари Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Соҳиба УМАРОВА
СУРАТЛАРДА: спорт мусобақаларидан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган
суратлар.**

**Биз ва жаҳон****КАТТА МУВАФФАҚИЯТ
ҚОЗОНИШДИ**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочиси Азим Азизов 43 йилдан бери республикамизда халқ бадий ҳаваскорлик ижодиёти ва болалар қўшиқ-ракс санъатининг ривожланишига баракали хисса қўшиб келаётган устоз санъаткорлардан биридир. Унинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан ўтган йилларда Тошкентда «Баёт» халқ студияси, «Чаман», «Кубада» «Анор», Самарқандда «Чўли ирок», Жиззахда «Дўстлик чамани», Навоийда «Гули» номли ўндан ортик халқ ҳаваскорлик жамоалари ташкил топган.

Ҳозирда Шайхонтоҳур туманидаги Азим Азизов раҳбарлик қилаётган «Ибн Сино» номли маданият марказида ҳам турли бадий ҳаваскорлик жамоалари мунтазам равишда ишлаб турибди. Улардан бири 1990 йилдан бери самарали ижодий фаолият кўрсатиб келаётган «Умид» халқ фольклор-ракс студиясидир. Ушбу ансамбль Ўзбекистон бадий ҳаваскорлик ижодиётини Англия, Франция, Туркия, Польша, Германия, Италия, Бельгия, Голландия каби кўплаб хорижий давлатларда катта муваффақиятлар билан намоийш этиб, олқишларга сазовор бўлган, турли халқаро қўриқ-танловларнинг олтин, кумуш, бронза медаллари ва фахрий дипломларини қўлга киритган.

Айниқса Обод маҳалла йили ушбу ансамбль жамоаси учун кутлуг келди. Яъни шу йилнинг август ойида студиянинг кичик ғуруҳ аъзолари Италиянинг Рим шаҳрида ўтказилган 4-халқаро болалар ракс фестивалида иштирок этиб салмокли натижаларга эришиб қайтган эди.

Яқинда «Умид» халқ студиясининг 26 нафардан иборат асосий ғуруҳ аъзолари Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтган

Германия, Франция, Канада, Туркия, Покистон каби турли давлатлардан келган машҳур давлат ансамбллари билан биргаликда катта сахналарда ва стадионларда катта концертлар кўрсатди.

Ҳар гал сахнамиз гулдасталар ва олқишларга тўлиб кетди. Айниқса фестивалга бошчилик қилган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У И ва бутун дунё туристлар ташкилотининг бош котиби Франческо Франгиалли томонидан концерт дастури-мизга берилган юксак баҳо-лардан тўлқинланиб кетдик. Бир сўз билан айтганда, Тошкентдан борган «Умид» халқ ҳаваскорлик ансамбли Пекин шаҳрида ўтказилган ушбу нуфузли халқаро анжуманда турли давлатлардан келган минглаб томошабинлар олдида мушакил Ўзбекистонимизнинг бадий ҳаваскорлик соҳасидаги бугунги порлоқ истиқболни юксак ижро маҳорати билан кенг намоийш эта олди. Бундан ташқари концерт режиссураси ва сахна маданияти учун ансамблимиз раҳбарияти номига алоҳида дил сўзлари айтилди.

Навбатдаги ижодий гастрол-имиз 2004 йилнинг 23-28 февраль кунлари эртақлар мамлаката бўлиб Хиндистоннинг Янги Дехли шаҳрига бўлади. Хиндистон маданият алоқалар Кенгаши томонидан ўтказиладиган иккинчи халқаро суфий фестивалига бағиш-лаб «Ўзбекистон ва Хиндистон дўстлик ўлкасидир» мавзусида, янги концерт дастурини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

**Комилжон САФАРОВ,
«Ибн Сино»
маданият маркази
бош услубиятчиси,
сафар катнашчиси.**

**АКСЕЛСнинг ЎН
ЙИЛЛИГИ**

Республика таълим марказида АҚШ халқаро таълим кенгаши АКСЕЛСнинг юртимизда фаолият бошлаганининг ўн йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди.

1993 йилдан буён Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган халқаро АКСЕЛС ташкилоти томонидан юртимиз таълим тизимига мўлжалланган бир неча лойиҳалар ишлаб чиқилди. Айни вақтда АКСЕЛСнинг Нукус шаҳри, Самарқанд, Бухоро ва Наманган вилоятларида ўқув-тайёрлов курслари ҳамда пойтахтимизда учта маслаҳат маркази фаолият кўрсатмокда. Ушбу марказларнинг барчаси АҚШдан келтирилган таълим технологиялари билан жиҳозланган.

Тадбирда асосан пойтахт олий ўқув юр-тларининг талабалари иштирок этишди. Уларга АҚШ таълим тизими ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, АҚШ олий ўқув юр-тларида тахсил олишни хоҳлаётган талабалар учун АКСЕЛС томонидан таклиф этилаётган дастурлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ахборот технологиялари ва босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида ўз фаолиятини юритибги «Multilot» Ўзбекистон-Жапоний Корё қўшма корхонаси кўйидаги вакантй лавозимларга қабул эълон қилади

Номзодлар кўйидаги қўшимча талабларга жавоб берсалар мақсадга мувофиқ бўлади:

- асосий ишга боғлиқ бўлган олий маълумотга эга бўлиш
 - иш тажрибасига эга бўлиш
 - инглиз тилини билиш
- Номзодларнинг 2003 йил 27 ноябрга қадар кўйидагиларни топширишларини сўраймиз:
- сурати, алоқага кириш маълумотлари, маълумоти ва иш тажрибаси тўғрисидаги ҳужжатлар
 - илгари бажарилган ишларнинг намуналари бўлса мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг манзилимиз:
Директор ўринбосари
Кнут Крамер, Multilot қўшма корхонаси, 700000, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 24.

Телефон: 136-70-69,
Факс: 120-55-98

Лавозим	Ишнинг йўналиши	Номзодларга талаблар
Система муҳандиси	Oracle асосида маълумотлар базасини қўзатиш ва операциялар амалга ошириш	* Бош талаб: Oracle маълумотлар базасини бошқариш тизимида иш тажрибасининг мавжудлиги * Операция тизимлари (HP Unix, Compaq Windows NT)ни ҳам қўшган ҳолда иш ўрнатиш ва ишлаш бўйича тажрибага эга бўлиш Ушбу соҳада 5 ва ундан ортиқ вақт иш тажрибасига эга бўлиш
Муҳандис (2та бўш ўрин)	Oracle асосида маълумотлар базасини қўзатиш ва операциялар амалга ошириш	* Oracle-9i базасида дастурлаштириш ва дастурларни ўрнатиш тажрибасига эга бўлиш * Битта муҳандиснинг беш ёки ундан кўп йиллик тажрибаси бўлгани маъқул

Реклама ва PR бўйича мутахассис	* Реклама фаолияти ва Publik nefati бўйича режалаштириш ва менежмент * Реклама агентствлари, ишлаб чиқариш фирмалари ва оммавий ахборот воситалари билан шартномалар бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш	* Битта муҳандиснинг уч ёки ундан кўп йиллик тажрибаси бўлгани маъқул * Мазкур соҳада 2 йил ва ундан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиш * Инглиз тилини жуда яхши билиш
Дизайнер	* Босмага бўлган ишлар * Фирмали реклама дизайнини ишлаб чиқиш * Интернет-сайта хизмат кўрсатиш	* Makintosh билан ишлаш тажрибасига эга бўлиш. Босмага бўлган жарён ва интернет сайтларни лойиҳалаштириш борасида иш тажрибасига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланб банд солинган кўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

1. «ДЭУ-Супер салон» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 494, бошланғич нархи 4 500 000 сўм, техник носоз;
2. «ДЭУ-Эсперо» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 2 000 000 сўм, техник носоз;
3. «Заз-968» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм техник носоз;
4. «Газ-2417» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 99-62 ТНА, бошланғич нархи 317 500 сўм, техник носоз;
5. «Газ-2410» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 16-39 ТНА, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
6. «Иж-21251» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70-20 ТНБ,

- бошланғич нархи 221 500 сўм, техник носоз;
7. «Иж-271501» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 46-93 ТНН, бошланғич нархи 221 500 сўм, техник носоз;
8. «Москвич-412» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
9. «Ваз-2101» автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Р 89-02 ТН, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
10. «Ваз-2103» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами К 47-85 ТН, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
11. «Ваз-21011» автомобили, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Р 62-09 ТН, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
12. «Иж-21251» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25-08 ТНС, бошланғич нархи 501 000 сўм, техник носоз;

13. «УАЗ-452В» автомобили, 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 31-58 ТНМ, бошланғич нархи 95 000 сўм, техник носоз;
14. «Газ-3307» юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;
15. «Мерседес-Бенц» юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўк, бошланғич нархи 700 000 сўм;
16. «Камаз-432500» юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
17. «Камаз-5511» юк автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 373, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
18. «Зил-157» юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593,

- бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
19. «Паз-672» автобуси, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГО49, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
20. «Газ-5201» юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 63-24 ТНМ, бошланғич нархи 650 000 сўм, техник носоз;
21. «Лаз-699» автобуси, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22-48 ТНС, бошланғич нархи 830 000 сўм, техник носоз;
22. «Лаз-695Н» автобуси, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 09-96 ТНН, бошланғич нархи 410 000 сўм, техник носоз;
23. «Лаз-695Н» автобуси, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 24-01 ТНП, бошланғич нархи 545 000 сўм, техник носоз;

Ким ошди савдоси 2003 йил 27 ва 29 ноябрда соат 11-00 да ўтказилади.
Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидан ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадида ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланб банд солинган кўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

1. «Т-28» трактори, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 05-24 ЕД, бошланғич нархи 135 000 сўм, техник носоз;
 2. «Т-28» трактори, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 05-29 ЕД, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
 3. «Т-28» трактори, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 05-28 ЕД, бошланғич нархи 135 000 сўм, техник носоз;
- Ким ошди савдоси 2003 йил 27 ва 29 ноябрда соат 11-00 да ўтказилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидан ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Давлат Мулки Кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAHT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 26 декабрь ва 2004 йил 2, 9, 16, 23, 30 январь кунлари аукцион савдоларини ўтказиши

Савдоларга: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чигатои Октепа к.ф.й., Минвода кўчаси 7-уйда жойлашган

«ИРАК АВТО» масъулияти чекланган жамиятининг кўйидаги автотранспорт воситалари:

1987 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-ММЗ-45021 русумли давлат белгиси 10 АЖ 851. Бошланғич нархи 1029000 сўм.

1987 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ-3303-01 русумли давлат белгиси 10 АЖ 864. Бошланғич нархи 608 000 сўм.

1988 йилда ишлаб чиқарилган ПАЗ-672 русумли давлат белгиси 10 АЖ 855. Бошланғич нархи 1 845 000 сўм.

1980 йилда ишлаб чиқарилган ЛАЗ-697 Р русумли давлат белгиси 10 АС 917. Бошланғич нархи 2 968 000 сўм.

1989 йилда ишлаб чиқарилган КАВЗ-3270 русумли давлат белгиси 10 АЖ 844. Бошланғич нархи 1 625 000 сўм.

Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Чилонзор 15-даха, Боготоб кўчаси, 94-уйда жойлашган «Тошшаҳарйўловчтранс» Давлат уюшмасига қарашли «Травматик» соғломлаштириш мажмуасининг 1998 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10 АЖ 782 «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 500 000 сўм.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани,

Мовароуннахр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истиғини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизидан зиёд қулларини тўлашлари шарт.

Заказат пуллари «POYTAHT AUKSION» ДУК «Уй-жойкамгармабан»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги, Банк коди 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16-«А» уй, 204-хона.

Телефонлар: 133-02-49; 133-23-40.

«POYTAHT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 21 ноябрь кунин ўтказилган аукцион савдоларида:

Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган бинонинг майдони 116 кв.м. тенг бўлган қисми 4 900 000 сўмга;

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод даҳаси, 24-мавзе, В.Високий кўчасида жойлашган, сатҳи 0,08 бўлган савдо ва маиший хизмат

кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқини 17 200 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Ширин кўчаси, 24-мавзеда жойлашган, сатҳи 0,06 га бўлган автомобилларга хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқи 5 800 000 сўмга;

«Urol sanoat Palatasi» корхонасининг давлат белгиси М24-06 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситасини 5 900 000 сўмга;

«Тошкентвино» комбинати очик акциядорлик жамиятининг кўйидаги автотранспорт воситалари:

Давлат белгиси 10 АО 213 бўлган ЗИЛ-130 русумли а/в 1 700 000 сўмга, давлат белгиси 66-33 ТНБ бўлган ЗИЛ-138 А русумли а/в 1 700 000 сўмга, давлат белгиси 10 АО 811 бўлган ЗИЛ-130 русумли а/в 2 600 000 сўмга, давлат белгиси 10 АО 400 бўлган ЗИЛ-138 А русумли а/в 2 400 000 сўмга, давлат белгиси 83-16 ТНБ бўлган ЗИЛ-138 А русумли а/в 2 800 000 сўмга, давлат белгиси 66-30 ТНБ бўлган ЗИЛ-138 А русумли а/в 2 800 000 сўмга, давлат белгиси 66-31 ТНБ бўлган ЗИЛ-138 А русумли а/в 2 800 000 сўмга, давлат белгиси 65-69 ТНБ бўлган ЗИЛ-138 А русумли а/в 2 800 000 сўмга, давлат белгиси 65-67 ТНБ бўлган ЗИЛ-138 А русумли а/в 2 400 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Баҳодир Ўғлонлари» хусусий фирмасининг масъулияти чекланган жамиятга айлантирилиши муносабати билан давво аризалари эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой давомида 170-12-63 телефони орқали қабул қилинади.



Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

Спорт

МАҚСАДГА
МУВОФИҚ
РЕЖАЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Ўзтелеарадио-компаниянинг Халқаро телеканали спорт телеканалига айлантирилиши ҳақида газетхонларнинг хабари бор албатта.

Маълум бўлишича, 2004 йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини бошлайдиган спорт телеканали ўз кўрсатувларини эрталаб бир ярим соатлик тонгги гимнастика билан бошлайди. Шунингдек, спортчилар ҳаётидан лавҳалар, улар билан мулоқотлар, хабарларни ҳам мунтазам эфирга узатади. Яна бир қизиқ маълумот. Спорт телеканалда спорт журналистлари билан бирга спортчилар ҳам ишлаши кўзда тутилмоқда. Бу нарса спорт журналистикаси ривожига муҳим ҳисса қўшади албатта.

«ТАЛАБА»
УЮШМАСИНИНГ
ТАШАББУСИ

Олий ўқув юртлари ўртасида спорт ўйинларини янада оммалаштириш мақсадида «Талаба» спорт уюшмаси ташаббуси билан турли хил мусобақалар ўтказилмоқда.

Қўл түпи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар олий ўқув юртлари ўртасида Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган турнир юқоридаги фикримизнинг исботидир. Аёллар ва эркеклар жамоалари ўртасида уюштирилган қўл түпи мусобақаларида 15 та олий ўқув юрти вакиллари голиблик учун кураш олиб боришди. Эркеклар ўртасидаги кизикли ва мурасасиз кечган бахслар якунида Ўзбекистон Миллий университети жамоасига биринчи ўрин насиб этган бўлса, Наманган Давлат университети ва Самарқанд молия институтининг йигитлари иккинчи, учинчи ўринлар билан қифоланишди.

Аёллар бахсларида эса Бухоро Давлат университети жамоаси етакчилиги ўз қўлига олди. Ўзбекистон Миллий университети кизларига иккинчи, Наманган муҳандислик институтининг йигитлари таалабаларига учинчи ўринлар насиб этди.

Акбар Йўлдошев

Премьера оидидан

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида афгон ва ўзбек киноусталарининг ҳамкорликдаги ижод маҳсули — «Булутлар» фильмининг суратга олиш жараёнининг тугалланишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.


«БУЛУТЛАР» —
ҲАМКОРЛИКДАГИ ФИЛЬМ

— Мазкур фильмининг яратиш учун бизга яқиндан ёрдам берган «Жайхунфильм» студиясига катта ташаккурларимни айтмоқчиман, — дейди сценарий муаллифи, режиссёр ва продюсер Сиддик Обидий. — «Булутлар»ни Шимолий Афғонистон ва Ўзбекистоннинг бир қанча ҳудудларида суратга олдик. Жумладан, Афғонистоннинг Шибиргон, Мозори Шариф каби шаҳарларида фильмининг суратга тушириганимизни айтиш жоиз. Фильм мусикасиз бўлмайди, албатта. «Булутлар»да янграйдиган мусикалар афгон ва ўзбек миллий санъат намуналарига оиддир.

«Булутлар» фильмида динни ниқоб қилган толибларнинг қай тарзда тинч халқни ҳўрлагани, юртни вайронлагани айлантиргани, унинг маданий ва маърифий ёдгорлик-

ларини йўққа чиқаргани акс этган. Ёшларнинг алангали муҳаббатига қора кучлар томонидан қаршиликлар кўрсатилиши, аялчанчи аҳволга тушган халқнинг ҳаёти жонли лавҳаларда кўрсатилган. Толибларнинг афғон заминига солган даҳшати анчайин мурраккаб талқиндаги қаҳрамонлар тақдирини орқали очиб берилди.

Фильмда ўзбек ва афғон актёрлари: Камола Умархўжаева — Шахло ролида, Алишер Ҳамроев — Сабури, Муҳаммаджон Узоқов — толиблар бош кўмондони, Сиддик Обидий — Шабгир образларини яратишган. Шунингдек, Раёно



Шодиева, Юлдуз Ҳамидова, Улуғбек Юнусов каби актёрларимиз ҳам қатнашган.

Ўзбек ва афғон киноусталари ҳамкорлигида яратилган «Булутлар» фильмининг яқин ойларида кино экранларда намойиш этилади.

Юлдуз УСМОН
СУРАТЛАРДА: «Булутлар»
фильмдан лавҳа.

БУХОРОДА СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Голливуднинг «Гайдфильм» компанияси Бухорода «Асрагил» фильмининг суратга олмақда.

— Мазкур фильм машҳур мунажжим, математик олим, файласуф ва шоир Умар Хайём ҳамда унинг даври хусусида ҳикоя қилади, — деди фильмининг сахналаштирувчи режиссёри Кейван Машойих. — Маълумки, Умар Хайём анча йиллар давомида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшаб, ижод қилган.

Фильмнинг Самарқандда бўладиган воқеалари суратга олиб бўлинди, Бухордан кейин тасвирга олиш гуруҳи Навоийга йўл олади.

Умар Хайём сиймосини яратиш учун испаниялик актёр Бруно Ластра такфил қилинди, унинг дўсти Хасанни Саббоҳ ролини эса англиялик актёр Кристофер

Симпсон ижро этади. Фильм мусикасини Эрон хонандаси Анди (Андроник Мададян) басталаган, у фильмда Али ибн Саббоҳ ролини ҳам ўйнайди.

Шунингдек, фильмда Италия, Буюк Британия, Испания, АҚШ санъаткорлари билан бирга ўзбекистонлик артистлар ҳам иштирок этишади.

«Туркистон-пресс»

КАХ-КАХА

Тўлқиннинг лотореясига енгил автомобиль ютуғи чиққач ундан улфатлари сўрашди:

— Бу ютукдан хотининг ҳам суюниб кетгандир-а?!

— Суюниш ҳам гапми, ютукни эшитгач, тилдан қолди.

— Қара-я, омад келса — қўшалоклаб келади-я!

Ресторанда:

— Сиз келтирган товукнинг бир оёғи йўқ-ку?!

— Нима, сиз бу товук билан рақсга тушмоқчимидингиз?

— Хафа кўринасан?

— Ҳозиргина биринчи хотинимнинг эри кўнгирик қилиб мени роса сўқди!

— Нима деди?

— Шу хотин билан икки йил яшаб, тухум қовуришни ҳам ўргата олмабсан, — дейди муттаҳам!

— Хотининг уйдаими?

— У «ким ошди» савдосида.

— Хотиндан қутулишнинг бунақа йўли ҳам бор экан-да?!

Ўқитувчи:

— Дарсда шундай ўтириш лозимки, биз чивиннинг учганини ҳам сезайлик!

Орадан уч-тўрт дақиқа ўтди. Ўқувчилардан бири лўқма ташлади:

— Домла, учаятган чивинни кўрсатинг!

Ўқитувчи:

— Ва ниҳоят, биз «икс»нинг «нол»га тенг эканини билиб олдик.

Ўқувчи:

— Шуни билиш учун қирқ беш дақиқа бош қотирдикми?



Изоҳга ҳожаз йўқ.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 133-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
5404 нусхада босилади. Кенгаз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
19-қаватда бўлиб рўзғорга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.